



НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР

2000 йил "3" июль

№ 160-Қ

Ташкилот, муассаса ва корхона-ларга иншоотлар қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туманлар ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида Самарқанд тумани ҳокимининг "Аснафт" кўп тармоқли хусусий фирмасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 0,20 гектар ер майдони ажратиш ҳақида"ги 1999 йил 9 декабрдаги 649-қ, Окдарё тумани ҳокимининг "Янгиқўрғон" тижорат ишлаб-чиқариш корхонасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,20 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида"ги 2000 йил 13 январдаги 20-қ, Тайлоқ тумани ҳокимининг "Хамроқул бобо" шахсий савдо ишлаб-чиқариш фирмасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси ҳамда техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида"ги 1999 йил 21 апрелдаги 246/4-қ, "Фуқаро Шавкат Қосимовга шахсий автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,15 гектар ер майдони ажратиш ҳақида" ги 1999 йил 14 декабрдаги 661-қ, Самарқанд тумани ҳокимининг "Вакцина" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси ва дорихона қуриш учун 0,25 гектар ер майдони ажратиш ҳақида"ги 2000 йил 15 майдаги 238-қ, Пастдарғом тумани ҳокимининг "А.Темур номли ширкат хўжалиги аъзоларининг Хамидов Содикжонга автомобилларга суюлтирилган газ ёқилғиси қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,10 гектар ер ажратиш ҳақидаги 1999 йил 16 феврал 1-сонли умумий йиғилиш қарорини тасдиқлаш тўғрисида"ги 1999 йил 4 июндаги 211/6-1,

Каттақўрғон тумани ҳокимининг “Тумандаги “Улуғ-Ф” тижорат фирмасига “Пахтакор” жамоа хўжалиги худудидан автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 2000 йил 29 мартдаги 147-қ, Тайлоқ тумани ҳокимининг “Шохрух-Э” хусусий корхонасига автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 1999 йил 6 октябрдаги 547/10-қ, “Самарқанд тумани худудида ташкил этилган “Нафосат” шахсий фирмасига автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 1999 йил 4 июндаги 369/6-қ рақамли қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Рузиев